РЕЖА УДДАЛАНДИ

БУХОРО. Қадимий шаҳар номи билан юритилувчи туман пахтакорлари ҳам маррага етишди. 12 минг 400 гектар ернинг ҳар гектаридан 32,5 центнердан ҳосил кўтарилди. 40 минг тонналик хирмон уюлди. Бу муваффақиятда "Ўзбекистон", "Маданият", "Ўрта Осиё", "Дўстлик", "Чорботир", У. Юсупов, Ф. Аллаев, С. Ёдгоров номли жамоа хўжаликларининг ҳиссалари муносиб бўлди.

Даврон БАҲРОНОВ.

ИСТИҚЛОЛНИ ЎЙЛАГАН ЭДИ

ТОШКЕНТ. Халқ фарзанди, давлат арбоби Файзулла Хўжаев таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб Паркент тумани маданият уйида театрлаштирилган томоша кўрсатилди. "Истиқлолга талпинган юрак" деб номланган бу тадбирда Файзулла Хўжаевнинг ҳаёт йўли, ижоди, Ватан равнақи йўлидаги курашлари ўз ифодасини топди. Маҳбуба Икромованинг "Мен яшашни истайман" драмаси асосида саҳналаштирилган томошалар кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

Соҳибжон САЛИМОВ.

НИШОНДА ГЎШТ МАҲСУЛОТЛАРИ

ҚАШҚАДАРЁ. Нишон туманидаги "Истиқлол" бўрдоқичилик хўжалигида гўштни қайта ишлаш цехи ишга туширилди. Бир кеча-кундузда бир тоннадан зиёд олти хил колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Замонавий технология ускуналари билан жиҳозланган бу маскан имкониятларини кенгайтириб, маҳсулот сифатини яхшилаш кўзда тутилган.

Илҳом КАРОМОВ.

СЎНГГИ СОАТДА

ҚИШЛОҚ ТЕННИСЧИСИНИНГ ЮТУҒИ

ФАРҒОНА. Нилуфар Сотволдиева Олтиариқ қишлоқларининг бирида яшайди. У стол тенниси бўйича маҳоратини тобора оширмоқда. Яқинда Нилуфар Покистонда ўтказилган биринчи Ислом ўйинларида муваффақият қозониб, зафар билан қайтди. Энди у декабрда Сингапурда ўтказиладиган Осиё чемпионатига ҳозирлик кўрмоқда.

Алишер ИБОДИНОВ.

БИР ЙЎЛА УЧ ТИЛДА

НУКУС. Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат доирилфунунида ўзбек ҳамда қозоқ тили ва адабиёти бўлимлари очилди. Ўзига хос воқеа муносабати билан билим маскани раҳбарлари Тошкент, Самарқанд ва Хоразм вилоятларидан тажрибали профессор-ўқитувчиларни чорлашмоқда. Доирилфунунинг умумтилшунослик ва туркология кафедраси доценти Абдураҳмон Мадаминов таъбири билан айтганда, бу бўлим ўзига хос маънавий эҳтиёж туфайли юзага келган. Энди машғулотлар уч тилда олиб бориладиган бўлди.

Музаффар АҲМЕДОВ.

ЎТИНГА ЎРИН ҚОЛМАДИ

НАМАНГАН. Поп тумани ҳудудидаги олис қишлоқлар ҳам газлаштирилмоқда. "Қўштепа" жамоа хўжалиги хонадонларига газ келиши ҳам кўпчиликни қувонтирди. "Ўтган йили Найман, Чодак қишлоқлари газлаштирилганди, — дейди хўжалик бошқаруви раиси Ғофиржон Қўчқоров. — Олис қишлоқларимизда истиқомат қилаётган хонадонлар аҳлининг оғирини енгил қилишга ҳаракат қилаверамиз."

Олимжон ТЎХТАНАЗАРОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 12 ноябрь, сешанба № 145 (22.066).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

«Ғалла — 96»

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА БИРИНЧИ

Тўрткўл тумани деҳқонлари қабул пунктларига бир ярим минг тонна юқори навли шоли етказиб бериб, йиллик топшириқни Қорақалпоғистонда биринчи бўлиб бажарди. Деҳқонлар яна ярим минг тонна шоли топширишга аҳд қилдилар. Ҳосилдан бўшаган ерларга пешма-пеш буғдой экилмоқда.

(ЎзА).

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



СУРАТДА: қабул пайти.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11 ноябрь куни мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Москва ва Бутун Русия патриархи Алексий Иккинчини қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Алексий Иккинчини юртимизга ташрифи билан қутлаб, бу ташриф рус Православ черкови Тошкент ва Марказий Осиё Епархиясининг 125 йиллик юбилейи нишонланаётган кунларда амалга ошаётгани алоҳида аҳамиятга эгалигини таъкидлади.

— Ўзбекистон мустақилликка эришганидан буён ўтган қисқа даврда мамлакатда барқарорлик, фуқаролар тотувлиги, миллатлараро ҳамжиҳатликка эришилди, — деди Президент Ислом Каримов. — Бу эса халқимизнинг энг катта бойлигидир. Шу маънода, сизнинг ташрифингиз ҳам ана шу ҳамжиҳатлик ва мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, деган умиддаман.

Москва ва Бутун Русия патриархи Алексий Иккинчи Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистонга ташриф буюриш ҳақидаги таклифи учун миннатдорлик изҳор этди. Ўзбекистонда халқлар ўртасидаги дўстлик ва турли дин вакилларининг ҳамжиҳатлиги мустаҳкамлигини, бу эса ҳар қандай давлат равнақининг гарови эканини таъкидлади.

Қабулда Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Роик Баҳодиров иштирок этди.

Қабул чоғида Тошкент ва Марказий Осиё Епархияси архиепископи ҳазрат Владимир ҳозир бўлди.

***

11 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Уэльс шаҳзодаси Чарльз Ҳазрати олийларини қабул қилди.

Президент Ислом Каримов Шаҳзоданинг Ўзбекистонга ташрифи катта воқеа бўлганини, бу сафар мамлакатимизга, халқимизнинг бой тарихи ва маданиятига эътибор нишонаси эканини таъкидлади.

Юртбошимиз Ўзбекистон ва Буюк Британия ўртасидаги муносабатлар ҳақида тўхталар экан, қисқа муддат ичида ўзаро алоқаларнинг ҳуқуқий асослари яратилганини ва у ҳамкорлик ривожи учун муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилаётганини қайд этди.

Шаҳзода Чарльз ҳазрати олийлари Ўзбекистон бўйлаб, жумладан унинг ажойиб гўшалари бўлган Самарқанд ва Бухорога сафари катта таассурот қолдирганини таъкидлади. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашни ёқлаб фикр билдирди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги муносабатларни янада тараққий эттириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Учрашувда Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирок этди.

Қабул маросимида Буюк Британия ва шимолий Ирландия Бирлашган қироллигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Барбара Логан Хей ҳозир бўлди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОНДА ЧОЙ ЭКСА БЎЛАДИМИ?

Бизнинг ҳосилдор ерларимизда, аввалари республикага олиб келтирилган турли маҳсулотларни ўстириш мумкин бўлган. Шунингдек чойни ҳам дастлаб иссиқхоналарда гидропоника усулини қўллаб етиштириш мумкин. Кейинчалик эса иқлим-географик шароитимизга мослаштирилган навларни етиштириб, очиқ ерда масалан, Фарғона водийсида экиб, ундириш мақсадга мувофиқдир. Бизда айрим олимлар бу масалани ҳал қилиб бўлмайди, дейишлари турган гап. Бир ўйлаб кўрайлик. Бизда етиштирилаётган тарвузларнинг асли ватани Арабистон чўллари эмасми? Ёки помидор, картошкалар аслида Бразилияда етиштирилмайдими? Ахир улар биздаги шароитга мослаша олди-ку! Демоқчимизки, бизнинг шароитимизда ҳам олимларимиз Ўзбекистон чойини етиштирсалар бўлади. Ахир Стевия номли Парагвай ўсимлиги ҳам 1988 йилдан бошлаб Ўзбекистон шароитига мослаштирилиб, ҳозирда ундан халқ хўжалигида кенг миқёсда фойдаланиш ишлари йўлга қўйилган. Бу ўсимлик ўзидаги қанд ширадорлигини берувчи стевиозид деган моддаси билан олимларимиз эътиборини жалб қилган. Айтилган модда ўсимлик таркибида ўн фоизни ташкил қилади. Стевиозид ширинлиги қанд моддаси-сахароза-сахарга нисбатан 300 карра ширадор бўлиб, уни Япония каби мамлакатларда ширин таъмли ичимликлар тайёрлашда фойдаланилади.

Стевия ўсимлигини Ўзбекистон шароитида ҳозирги кунда «Янги технология» хусусий фирмаси етиштирмоқда.

Чой экиш ҳақида айтган айрим мулоҳазаларим албатта баҳсли. Лекин барибир синовдан ўтказса бўладиган таклиф. Чунки аввало бизнинг халқ чойни энг кўп истеъмол қилади. Яна бир жиҳати, четдан келтириладиган бу ажойиб ичимликнинг сарф-харажатлари ҳам анча тежалган бўларди. Ўзбекистоннинг сахий заминида яна бир хазинага эга бўлардик.

Ботир САИДОВ,
«Она ва фарзанд» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбари.

Яккама-якка

БИЗ ҲАМ БИРДАЙ ЖАВОБГАРМИЗ

Сирдарё вилояти прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия маслаҳатчиси Рамазон ПЎЛАТОВ билан суҳбат

— Халқ депутатлари вилоят кенгаши сессиясида айтилган гаплардан қандай хулосалар чиқардингизлар?

— Сессияда биз, прокуратура ходимлари шаънига жиддий эътирозлар билдирилиб, жуда ўринли танбеҳлар берилди. Жумладан, Президентимиз одамларга уй-жой қуриш ҳамда фойдаланиш учун кимошди савдоси орқали ер ажратиш муаммоларига етарли эътибор берилмаётганлигини ўринли танқид қилган эдилар. Биз бу масала юзасидан зудлик билан текшириш ишларини бошлаб юбордик. Ҳозирнинг ўзидаёқ қатор камчиликлар аниқланди. Биз улар юзасидан кечиктирмай тегишли орган ҳамда идоралар билан чора кўрмоқдамиз.

— Шу ўринда баъзи мисолларни келтириб ўта оласизми?

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасинниг ўтган йил июль ойидаги қарорига биноан одамларга уй-жой қурилиши ҳамда умрбод фойдаланиш учун ер участкаларини кимошди савдоси орқали сотиш вазифаси қўйилган эди. Мазкур қарор асосида ўтган йилнинг август ойида вилоят ҳокими ҳам тегишли қарор чиқарган. Афсуски бу қарор жойларда ижросини топмаган. Оқибатда вилоятдаги шаҳар ва туманларда бугунга келиб қуйидаги ҳолатни кўриш мумкин. Вилоят бўйича ҳозирга қадар ер участкаларини сотиш 21,1 фоиз бажарилган. Хўш, нега? Бу масалалар юзасидан биз барча шаҳар ва туманларда текшириш ўтказдик. Одамларнинг шахсий уй-жой қуриш ва умрбод эгалик қилиш учун ер майдонлари сотиб олишларига тўсиқ бўлаётган асосий муаммолар— турли идораларнинг орасидаги ўзаро сансалорликдан иборат экани маълум бўлмоқда. Жумладан, Ширин шаҳрида 90 киши уй қуришга ер олиш учун навбатда турибди. Лекин шаҳар ҳудудида бунинг учун ажратиладиган ер йўқ. Бу масалани вилоят ҳокимлиги ҳал қилиши керак эди. Лекин бу масала ҳам шу пайтга қадар ечилмай келган. Вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармаси бу борада ишларни амалий ташкил этиш ўрнига турли идораларга хат ёзиш билан кифояланган. Умуман олганда муаммо ҳокимликлар, бошқа тегишли идоралар ўртасида «Отангга бор— онангга бор» қабилида осилиб турибди. Уларни тезлик билан бартараф этиш ва одамларнинг бу борадаги талаб-эҳтиёжларини қондириш борасида тегишли идоралар билан амалий чоралар кўрилмоқда.

— Сессияда кўтарилган масалалардан яна қайси бирига алоҳида эътибор қаратмоқдасизлар?

— Маҳсулот ҳажмини ҳаддан ташқари камайтириб юборган хўжаликлардаги вазиятни атрофлича ўрганиш масаласи ҳам прокуратура ходимларининг биринчи галда турган вазифаларидан бўлиб турибди. Вилоятнинг аксарият хўжаликлари бу йилги шароитда пахта ва ғалла етиштириш бўйича ўта паст натижаларга эришиб, йиллик режаларни бор-йўғи 20-25 фоизга етказа олганлар, холос. Ҳақиқатан ҳам, бу жойларда нега шундай вазият содир бўлмоқда, бу ерда ишлаётган кишиларнинг тақдири нима кечади— сессияда ўринли таъкидлаб ўтилганидек, ана шу муаммоларга катта эътибор қилмоқдамиз. Ҳозирнинг ўзидаёқ Мирзаобод туманидаги Беруний номли ҳамда Оқолтин туманидаги Тоиров номли хўжаликлардаги текширишлар якунлари ойдинлашиб қолди. Мазкур хўжаликларнинг қарзлари бирида 36 миллион сўмни, иккинчисида 83 миллионни ташкил этади. Қолган хўжаликларда ҳам бугун-эрта бу ишлар ниҳоясига етказилади.

— Уруғликка ажратилган ғалласи тортиб олинган хўжаликларга тазйиқ ўтказиш ҳоллари юзасидан қандай чоралар кўрилди?

— Биз бу борада республика прокуратураси билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдамиз. Вилоятнинг қайси ҳудудида ана шундай ҳолга йўл қўйилган бўлса, улар юзасидан тегишли тадбирий чоралар кўрилиши аниқ. Текшириш якунлари бир ёқли бўлгач, унинг натижаларидан жамоатчилик хабар топади, деган умиддамиз.

Суҳбатдош: Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ҚАМОҚДАГИ «ҲАҚИҚАТ»

(1996 йил 24 октябрь)

Мазкур мақола шу йилнинг 25 октябрида Хева шаҳар, туман ҳокимлигида шаҳар ва туман маданият муассасалари ходимлари, жамоа хўжаликлари бошқарувларининг раислари иштирокида атрофлича муҳокама қилиниб, ҳокимликнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Муҳокамада мақолада кўрсатиб ўтилган камчиликлар тўғри, деб топилди. Қишлоқда маънавий, маърифий ислоҳотларни амалга оширишда сусткашликка йўл қўяётганлиги, 1996 йил газета ва журналларни жамоа хўжалиги аъзоларига ўз вақтида етказиб берилишини таъминлай олмаганликлари учун Хева туманидаги ал-Хоразмий номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси О. Машариповга ҳамда жамоа хўжалиги бош ҳисобчиси К. Хўжаевга, «Чинобод» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ж. Жуманиёзовларга ҳайфсан эълон қилинди. 21-сон «Чинобод» кутубхонаси мудираси Д. Қутлиева ўз вазифасидан озод қилинди.

Хева шаҳар, туман ҳокими
Э. А. РАҲМОНОВ.

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"
(нашр номи) (нашр кўрсаткичи)

Ф СП - 1

рўзномасига ОБУНА

обуна сони

1997 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга
(почта кўрсаткичи) (манзил)
Кимга
(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

п. в. жойи (нашр кўрсаткичи)

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"
(нашр номи)

обуна янги манзилга юбориш	баҳоси	сўм	обуна сони
	баҳоси	сўм	

1997 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга
(почта кўрсаткичи) (манзил)
Кимга
(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

Мулоҳаза

ФАХРИЙЛАР ТАШКИЛОТЛАРИ

Янги шароитда улар қандай бўлиши керак?

Республикада ҳозир 13 мингдан зиёд бошланғич фахрийлар ташкилотлари мавжуд. Шундан беш мингдан зиёди маҳаллаларда, саккиз мингга яқини меҳнат жамоаларида фаолият кўрсатмоқда. Улар икки миллиондан ортиқ нафақахўрларни ижтимоий ҳимоя қилишга даъват этилган. Шулардан 91 минг киши уруш қатнашчиси ва фахрийси, ярим миллионга яқини фронт орти меҳнаткашлари, урушда ҳалок бўлган ва бедарак йўқолганларнинг оила аъзоларидир. Барча уруш ва меҳнат фахрийлари Ўзбекистон Президенти ва республика ҳукумати томонидан кўрсатилаётган катта ғамхўрликни муттасил ҳис қилиб туришади. Сўнгги йилларда Президентимиз томонидан қабул қилинган уруш ва меҳнат фахрийларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қатор қарорлар фикримиз далилидир. Ўз навбатида фахрийларимиз кучи ва имкониятлари, ҳаётий тажрибалари билан Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини мустаҳкамлашда, ўтказилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этмоқдалар. Биргина мисол. Республикада ҳозир 813 та фахрийлар корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Уларда етти минг нафардан ортиқ киши, жумладан, тўрт минг нафар уруш ва меҳнат фахрийлари ишламоқда. Фахрийлар корхоналари 1996 йилнинг 1 ярмида 290,3 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарди. Шу муносабат билан юртбошимиз Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясида сўзлаган нутқида халқ хўжалигининг ривожланиши ва мустақиллигимизни мустаҳкамлаш масалаларини ҳал этишда фаол ҳамкорлик кўрсатаётган жамоат ташкилотлари қаторида Республика фахрийлари ташкилотини ҳам санаб ўтди.

МДҲнинг барча республикалари ичида фақат Ўзбекистондагина 1995 йил 9 май фашизм устидан қозонилган ғалабанинг эллик йиллигига, бу қонли жангда ҳалок бўлган ва бедарак йўқолганларга бағишланган «Хотира» китобини нашр этиш ишлари якунланди. Жами 34 жилд (жумладан, иккита қўшимча) чоп этилди. Уларга урушда ҳалок бўлган ва бедарак йўқолган 450 мингга яқин аскарлар номи киритилди. Бундан ташқари, республикамизнинг фашизм устидан эришилган ғалабадаги роли ёритилган «Ўзбекистон 1941-1945 йилларда» номли жилд ҳам нашр этилди.

Бироқ кейинги пайтда фахрийларнинг матбуотда, жойларда туман, шаҳар, вилоят ва республика кенгаши номига айтаётган танқидий фикрларидан шу нарса маълум бўлаяптики, фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва имтиёзларини ҳимоя қилиш борасида ҳали анча камчиликлар таъкидланмоқда. Фахрийлар ўз хатларида эски қолипларга ёпишиб олган, турли даражадаги фахрийлар ташкилотлари раҳбарлари орасида ўтмишни қўмсаётганлар ҳам мавжуд эканлигини тилга олишмоқда. Бунинг сабаблари бор, албатта, аввало шуни айтиш керакки, Ўзбекистон фахрийлар ташкилоти ва унинг раҳбар органлари, кенгаш ва республика ревизия комиссияси 1987 йилда яъни мамлакатимиз мустақилликка эришгунча ташкил топган эди. Ўшанда ташкил этилган Республика Фахрийлар ташкилотлари кенгаши таркиби советлар давридагига ўхшарди. Раҳбар орган фахрийлар съезди бўлиб, қўйи ташкилотлардан ҳам делегатлар сайланарди. Бошланғич ташкилотлар ҳудудий ишлаб чиқариш қоидалари асосида аъзолик ва бадал тўлаш шарти билан мавжуд эди. Бундай тузилма умумий мулкчилик шароитида ишлаб чиқариш маблағлари асосида, яъни социалистик тузумда қўлланиларди. Ҳозирги шароитда кенгашлар тузилишининг бу шакли ташкилотни ўзгалар ҳисобига кун кўрадиган, фойда келтирмайдиган, ўзгарувчан бозор шароитларига тез мослаша олмайдиган қилиб қўяди. Фахрийларнинг ёшларни тарбиялаш, энг яхши меҳнат ва жанговор анъаналарни сақлаш каби фойдали фаолияти улар ташкилий жиҳатдан ва маблағ билан таъминланганлигагина мумкин бўлади. Шунингдек, мураббийлик ва анъаналарни ташишга даъват этилган фахрийнинг ўзи инсоний ҳаёт шароитига эга бўлиши керак. Буларнининг ҳаммаси замонавий, чуқур ўйланган янги типдаги ташкилот тузилгандагина мумкин бўлади. Ташкилий ва йўналиши жиҳатидан мукаммал бўлмаган шакл эса бахтга қарши ушбу ташкилот мафкураси шаклланишида ҳам ноаниқлик келтириб чиқарди.

Фахрийлар ташкилотларининг раҳбар кадрлари миллий мустақиллик ғоясини ўзлаштира олмадилар. Улар билан суҳбатда кўпинча ўтмишни эслаш ҳоллари сезилади. Республика кенгашининг ташаббуси, қоидалари, унинг ғоявий янгиланиши кўпинча оддий меҳнаткаш фахрийга етиб келмади. Шундай бўлса-да, ҳаёт қийинчиликларига қўниккан камтарин фахрийларимиз ўзларининг машаққатли инсонпарварлик фаолиятларини тўхтатмадилар. Президентимизнинг меҳнаткаш фахрийларга қизғин табриги билан мурожаат этганда қўйидагиларни таъкидлаши бежиз эмас: «Сизларнинг ўсиб келаётган авлодни энг яхши инсонпарварлик анъаналари, халқлар дўстлиги, юксак ахлоқ руҳида тарбиялашга қўшган ҳиссангиз бебаҳодир... Ўз халқига хизмат қилган ва хизмат қилаётган фахрийларга чуқур миннатдорчилигимни изҳор этаман». Фахрийлар ташкилотлари эндиликда кайта тузишга мухтож. Кўплаб фахрийлар матбуот саҳифаларида ташкилотларини замонавий шароитларда фахрийларни қўллаб-қувватловчи жамғармаларга айлантириш бўйича таклифларини айтдилар. Ўйлаймизки, бундай жамоат бирлашмалари тузишда ҳозир самарадор бўлиб, жамғарма фуқаролик ташаббусини, фахрийларимиз фаолиятини оширишга, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга имкон туғдиради. Бунда энг муҳими, фахрийларимизнинг ўзлари ҳам мазкур жамғарма фаолиятини четдан келган нарса эмас, балки ўз ташаббуслари туфайли туғилган ҳаракат самараси сифатида ҳис қилишлари мумкин. Фахрийлар ташкилотлари «Камолот», «Маҳалла» жамғармаларининг яхши фазилатларини ўзларида фойдаланиб ўз фаолиятларига янги мазмун бахш этишлари мумкин.

Бугунги кунда фахрийлар жамоатчилиги ўзида турли авлод ва турли йўналишдаги одамларни жамлаган. Улар орасида ижтимоий жиҳатдан турлича қарашдаги кишилар мавжуд: меҳнат фахрийлари, иккинчи жаҳон уруши, афғон уруши, Чернобиль фалокати фахрийлари. Ҳаётда руҳий ўзгаришларни бошидан кечирган ва алоҳида маънавий йўналишга муҳтож фахрийлар ўртасида тушунтириш, ташвиқот ишларини олиб бориш зарур. Улар атрофида инсонпарварлик ва соғлом ахлоқий иқлим вужудга келтирилсагина фахрийлар мустақилликнинг илмий, сиёсий ва маънавий асосларини ривожлантиришда бебаҳо ёрдам беришлари мумкин.

Фахрийлар орасида бой ташкилотчилик тажрибаси ва ҳаётий билим соҳиби бўлган кишилар анчагина. Улар меҳнатга яроқли ҳисобланиб, агар ташкилий мадад берилса, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин. Фахрийларимиз ташқи иқтисодий ва хўжалик ишлаб чиқариш фаолиятида кенг иштирок этишлари, шартнома асосларида, корхона, фирмалар, инвестицион банк, суғурта ва холдинг компаниларини, жумладан аралаш ва қўшма корхоналарини хорижий шериклар билан ёки мустақил равишда ташкил этишлари мумкин.

Дунёдаги кўплаб мамлакатларда фахрийлар ташкилотлари ҳукуматдан ташқари бўлган кўнгилли хайрия жамоат ташкилотлари ҳисобланади. Бу борада Американинг уруш ногиронлари ассоциациясининг фаолият кўрсатиш тажрибаси диққатга сазовор. Улар дунё бўйича хайрия муассасалари, уруш ногиронлари учун шифохоналар ташкил этадилар. Бундай зарур ва хайрли иш учун маблағ, ҳомийлар қидириб топадилар. Француз ва немис фахрийлар ташкилотлари ҳақида ҳам кўплаб яхши гапларни айтиш мумкин. Улар бой тажрибага эга бўлиб, буни ўрганишимиз ва ўзимизда татбиқ этишимиз фойдадан холи эмас.

Фахрийлар ташкилотларини қайта ташкил этиш шу куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Кўплаб фахрийлар вақтли матбуотдаги чиқишларида фахрийлар ташкилотлари ишида янги шакл, услублар ҳақида мулоҳазалар билдирмоқдалар. Республикада фахрийлар ташкилотининг фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш фондига айлантириш хусусидаги фикрларни айтмоқдалар. Ҳозирги шароитда фахрийлар ташкилоти ўзининг ташқи иқтисодий ва ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириши зарур. Мустақил равишда корхоналар, хорижий шериклар билан фирмалар, компаниялар ташкил этиши керак.

Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш фонди қатор кенг қамровли муаммоларни амалга ошириши лозим. Ёшларни ватанпарварлик, қадриятларимиз қадрига етадиган руҳда, уларни ўзбекона ҳулқатворли, меҳнатсевар қилиб тарбиялашда жамғарманинг вазифаси катта. Фахрийлар бу ишларни амалга ошириши, жамиятнинг энг яқин вакили бўлиши учун жамғарма уларнинг фаолиятини «Маҳалла», «Соғлом авлод учун», Шароф Рашидов, «Камолот» жамғармалари ва Республика хотин-қизлар қўмитаси билан мувофиқлаштириб туриши лозим. Боиси, ҳар бир жамғармада фахрийларнинг муносиб ўрни бор. Шу билан бирга, ўйлаймизки, мустақил Ўзбекистоннинг сиёсий ҳаётида ҳам фахрийлар жамғармаси ўз ўрнини эгаллайди.

Вужудга келаётган бозор муносабатлари бозор тузилмалари ва ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар ўзаро алоқасининг янги шаклларини тақозо этади. Бу борада тузилажак жамғармага мавжуд қонунчилик доирасида барча авлодлар вакиллари куч ҳамда имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш керак. Бизнингча, айни шу жиҳатлар мазкур ташкилотнинг таъсирчанлиги, ҳозиржавоблиги ва самарадорлигини таъминлашга қодир. Шу билан бирга бу тадбирлар жамғармага ошкоралик, демократиявийлик бахш этади, бизнингча, жамиятимиз аъзолари ижтимоий яқдиллигини мустаҳкамлайди.

Ушбу жамғарма жамиятда юксак ахлоқий ва маънавий қадриятларни қарор топтириб, миллий маданиятимиз ва анъаналаримизни бойитиб, мустақил Ўзбекистоннинг шаклланаётган тузумидан муносиб жой эгаллайди.

Рустам ЖУМАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академияси сиёсий фанлар кафедраси мудири.

ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш учун астойдил ҳаракат қилинмоқда. Шу боис хорижий шериклар билан ҳамкорлик қилишда, айниқса улар билан қўшма корхоналар қуриш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Республика ҳукумати ушбу ишни ривожлантириш учун барча шароитларни яратиб бераяпти.

Дарвоқе, Тошкентдаги «Роҳат» ҳиссадорлик жамияти бу ишдан четда қолмаяпти. Улар ўз иш қуламларини кенгайтириб бормоқдалар. Корхона аҳли халқимиз учун турли ҳилдаги яхна ичимликлар етказиб бермоқда.

«Роҳат» ҳиссадорлик жамиятига бу борада германиялик шериклар ёрдамга келишди. Шу йилнинг кўкламида алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «М.А.Х.» фирмасининг президенти Макс Шуйя Тошкентга келиб қўшма корхона тузиш тўғрисида шартнома имзолаган эди. Куни кеча эса шу қўшма корхонанинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Қўшма корхона «Макс-Хуросон ЛТД» деб номланди.

Шуниси диққатга сазоворки, ушбу корхонада 1,5 литрли полиэтилен шишаларга маъданли сув ва яхна ичимликлар қуйилади. Бу линия бир соатда 2,5 минг шиша маъданли сув қуйиш қувватига эга.

«Роҳат» ҳиссадорлик жамияти аъзоларининг нияти-келажакда бутун Ўзбекистонимизни маъданли сув ва яхна ичимликлар билан таъминлашдир.

Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ.

Марра сари дадил одимлаётган Бухоро вилояти пахтакорлари ҳосилнинг бир мисқолини ҳам нобуд қилмай, йиғиштириб олишга ҳаракат қилишаётир. Айниқса Жондор, Ғиждувон туманлари деҳқонлари бу борада қўлчиликка ибрат бўлишаётир. Улар очиқ келган ҳар бир кундан унумли фойдаланишаётир. Бу борада чевар теримчиларнинг ҳиссаси катта. Жондор туманидаги А. Гагарин номли жамоа хўжалиги теримчиси Шаҳодат Тўхтаева ўз ғайрат-шижоати билан хирмонга барака киритаётир. Ғиждувон туманидаги Абдуҳолиқ Ғиждувоний номли жамоа хўжалигининг Жаббор Облоев бошлиқ бригадаси деҳқонлари ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил олишди. Бу ерда илғор теримчи Гўзал Раҳимова кўчиликка ибрат кўрсатди.

СУРАТЛАРДА: илғор теримчилардан Шаҳодат Тўхтаева ва Гўзал Раҳимова.

Ҳайдар ҚУРБОНОВ олган суратлар.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!
ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна "Матбуот уюшмаси" агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИЛАР!

Рўзнома ва ойномаларга обуна варақчасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақчасидаги "ПВ-Жойи" деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва "Матбуот уюшмаси" агентликлари ходимлари тўлғазади.

• МОСКВА:

ЕЛЬЦИННИНГ САЛОМАТЛИГИ ТИКЛАНМОҚДА

Президент Борис Ельциннинг юраги операция қилинганидан сўнг, айни пайтда унинг саломатлиги тобора яхшиланмоқда. Тахминан ўн кунлар ичида касалхонадан соғайиб чиқиши кутилмоқда. Бу ҳақда Кремлнинг доктори якшанба куни хабар берди. Доктор Сергей Миронов Ельцин ҳозир кунига бир неча соат ишламоқда, деди Докторларнинг айтишига қараганда у шу йилнинг охирларида Кремлга тўла ишга қайтиши мумкин.

• КОБУЛ:

ЖАНГЛАР ОҚИБАТИДА ҚОЧОҚЛАР КЎПАЙМОҚДА

Афғонистонда оғир жанглар давом этмоқда. Кобулнинг шимолий қисмида давом этаётган жанглар оқибатида қочоқлар сони кўпайиб бораётир. Улар юк машинасида, велосипедларда, ҳатто пиёда ўзлари уддалаганча нарсаларини олиб, дуч келган томонга қочиб боришаётир. Толибонлар эса Маъсуд — Дўстум иттифоқига қарши бир неча ҳафтадан бери жанг олиб бормоқда.

• ИСЛОМОБОД:

БХУТТО КОРРУПЦИЯДА АЙБЛАНМОҚДА

Ўз лавозимидан қувилган собиқ Бош вазир Беназир Бхутто коррупцияда айбланмоқда. Бу ҳақда расмий доираларнинг вакиллари, чунончи Бош вазир вазифасини бажариб турган Мирай хабар берди. Мирайнинг айтишига кўра яқин келажакда у коррупция комитети тузиб, сиёсий арбоблар, шунингдек Беназир хонимни ҳам текширувдан ўтказишга қарор қилганлигини айтди. Бхуттонинг турмуш ўртоғи, инвестиция вазири Асиф Али Сардорий ҳам жавобгарликка тортиладиган бўлди.

Истиқлолнома

ТАРИХ ВА ҲАҚИҚАТ

Сўлим ёз ва олтин куз фасллари алмашаётган кунларда Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллиги ниҳоятда кўтаринки руҳ ва шодиёна кайфиятда нишонланди. Умумхалқ байрамида юртимиз оламшумул аҳамиятга молик ютуқларни қўлга киритаётганлиги намоён бўлди. Зафарли беш йиллик 1991 йил 31 август кунида рўй берган тарихий воқеанинг маҳсули сифатида гавдаланди. Шу боис унинг юзага келиш жараёнини, ўзига хос хусусиятларини ёритиш пайти келди.

Газетхон эътиборига ҳавола қилинаётган мазкур мақолада илк бор 31 август воқеасига янгича ёндашишга ҳаракат қилинган.

***

1991 йил 31 августда Ўзбекистон 130 йиллик мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулм занжирларини парчалаб мустақилликка ва озодликка чиқди. Бу тарихий воқеа шарофати ила халқнинг асрий орзуси ва курашлари рўёбга чиқиб жаҳон даврасида муносиб ўринни эгаллади.

Мен тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битилган бу воқеани инқилобий ҳаракат дегим келади. Бунинг қанчалик тўғрилигини англаш учун кўп йиллик кечмишимиз моҳияти ва йўналишини кўрсатиш зарурияти туғилади.

МУСТАМЛАКАЧИЛИК ВА МИЛЛИЙ ЗУЛМ ИСКАНЖАСИДА

Сиёсий тизим. 130 йилни ўз ичига олган мустамлакачилик даврида, аввало чор ҳукумати ва сўнгра совет давлати ҳукмронлик қилган эди. Улар хонларнинг нодонлигидан, тахт учун курашлардан ва ватан хоинларидан фойдаланиб, маҳаллий аҳолининг қаҳрамонона курашларини тор-мор этиб, юз минглаб кишиларнинг ёстиғини қуритдилар. Бойликлар таланди, шаҳарлар ва қишлоқлар вайронага айлантирилди. Иккала босқинчиликнинг юргизган сиёсати негизида бир мақсад— Туркистонни Россиянинг хом ашё манбаига ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантириш кўзланганди. Шунингдек, улар улуғ миллатчилик сиёсатини изчиллик билан ҳаётга татбиқ қилдилар. Рус ҳукумати Туркистонда миллий давлатни йўқ қилди. Ўлканинг олий ва ўрта бошқаруви рус генералари ва зобитлари қўлига топширилди. Маҳаллий миллат вакиллари эса рус маъмуриятининг хизматкорлари сифатида қуйи, яъни, волость (туман) ва қишлоқ оқсоқоллари мансабига тайинланди.

Рус тили амалда давлат тили ҳисобланиб, миллий тилнинг ривожланишига тўсиқ қўйилди. Чор ҳукумати ўлкани Туркистон генерал-губернаторлиги, Бухоро ва Хева хонликларидан иборат уч қисмга тақсимлаб бошқарди. Гарчанд, ўша икки хонлик расман сақланган бўлса-да, лекин улар амалда Россия қўлидаги «қўғирчоқ» эди, холос.

Чор ҳукумати ўзининг мустамлакачилик асосида ташкил этилган сиёсий-маъмурий тизимига ва қўшинига таянган ҳолда маҳаллий аҳолини сиёсий ва инсоний ҳуқуқлардан маҳрум қилди.

1917 йилда большевиклар Октябрь тўнтаришидан эгаллаб чор ҳукумати сиёсатининг меросхўри сифатида иш юритдилар. Аммо, улар мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулмни шу даражада авжига миндирдиларки, ҳали унақаси инсоният тарихида учрамаган эди. Чунончи, совет давлатининг дастлабки йилларидаёқ туб аҳоли вакиллари ҳукумат таркибига киритилмади. Кейинчалик бу хато гўё тузатилган бўлса-да, барибир ўлкани бошқариш «марказ»нинг қўлида эди. Қизил салтанат ниқоб остида халқнинг мол-мулкини талаш ва уни қириш билан шуғулланди. В.И. Ленининг мусулмонларнинг барчасига озодлик, эркинлик ва мустақил ҳуқуқларини бериш ҳақидаги мурожаатномаси ғирт ёлғон ва қўзбўямачилик бўлиб чиқди.

Бутун Туркистон ўлкасида қаҳатчилик, оммавий касалликлар, қашшоқликлар ва қирғинбаротлар ҳукм сурди. Улуғ миллатчиликнинг ва зўравонликларнинг маҳсули ҳисобланган бундай фожиалар 100 минглаб кишиларнинг ёстиғини қуритди ва уй-жойларни вайронага айлантирди. Биргина мисол келтирайлик: 1918 йилда Қизил Армия «Қўқон мухториятини» тор-мор этаётганида Қўқон шаҳрида бир куннинг ўзида 10 минг киши ўлдирилган, 60 қишлоқ ёндирилган. Умуман олганда, Фарғона водийсида «босмачилик» деб номланган миллий-озодлик ҳаракатларида, қатағонларда, террор-

1

ларда, касалликлар ва очарчиликлар орқасида 100 минглаб кишилар ҳалок бўлган. Бу ерда ўлканинг бошқа жойларидаги, вилоятлардаги одамларнинг қирилганлиги ҳисобга олинса, қанчалик даҳшат ва ёвузлик бўлганлиги аён бўлади.

1920 йилда Хева ва Бухоро хонликларидаги большевиклар томонидан уюштирилган қирғинбаротлар вақтида ҳам 10 минглаб кишилар ўлдирилди ва турли томонларга тўзиб кетди. Шу зайлда совет ҳукматининг сиёсий тузуми қонларга беланган ҳолда шаклланди. Совет ҳукумати ўлка халқларининг бирдамлиги ва куч-қудратини синдириш учун уни беш республикага ва 2 та автоном республикага парчалаб ташлади. Совет давлатининг сиёсий тузуми кўзбўямачиликка, алдамчиликка ва «хўжакўрсин»га асосланган эди. Зеро, номига республика мақоми, конституция, парламент, байроқ, мадҳия ва герб жорий қилиниб, улар гўё демократиянинг асл намунаси сифатида тақдим этиларди.

Амалда эса, тоталитар сиёсат ва миллий зулм ҳукм сурди, ҳатто бир бутун халқларнинг киндик қони тўкилган ватанидан сургун қилинганлигининг гувоҳи бўлганмиз. Мамлакатда сиёсат ва инсоний ҳуқуқларга тамомила йўл берилмоқда.

Коммунистлар «Дўстлик ва биродарлик», «пролетар интернационализми» ниқоби остида улуғ-миллатчилик сиёсатини изчиллик билан амалга ошириб борганлиги сир эмас. Жамиятнинг ўз ватанига содиқ кишилари, хусусан, ақл-идроклиси ва умуман унинг «гули» оммавий равишда қатағон қилинди. Натижада катта бир мамлакат «темир қафас» билан ўралиб, халқнинг ташқи дунё билан бевосита алоқаси йўқ қилинди.

Иқтисодий ва маънавий ҳаёт. Чор ҳукумати ўлканинг бойликларини, хусусан хом ашё маҳсулотларини, солиқ ва божларни давлатнинг даромад манбаига айлантирди. Маълумки Россия ўзининг тобора ўсиб бораётган тўқимачилик саноати учун пахтани асосан узоқ Америкадан оларди. Бунинг учун ортиқча ўн миллионлаб маблағнинг сарфланиши билан бир қаторда катта қийинчиликларга дуч келинарди. Шу боис рус ҳукумати Туркистонда пахтачиликни ривожлантиришга ва бу ўлкани мустаҳкам хом ашё манбаига айлантиришга қаттиқ киришди. Россиядаги савдо-саноат доиралари, хусусан капиталистлар ва умуман даромад кетидан қувувчи кишилар ўлканинг пахтасига ёпишиб олдилар. Чор ҳукумати ўлкада «пахта яккаҳокимлиги»ни ўрнатиш учун ҳеч нарсадан тоймади. Пахтачилик ғалла ва боғдорчилик маҳсулотларини қисқартириш ҳисобига ривожлантирилиши озиқ-овқатлар нархини ошириб юборди. Бу ҳолат капиталистларга яна бир мўмай даромад манбаини туғдирди. Чунки, улар туб аҳолининг муҳтожлигидан фойдаланиб Россиядан ғаллани келтириб катта даромад олдилар. Хуллас, чоризм даврида пахтачилик ривожланиб, у 1886 йилда 3 млн, 1910 йилда — 10,8 млн. ва 1915 йилда 18,5 млн. пуд ҳажмда етиштирилди. Унинг деярли барчаси Россияга олиб кетилган.

Маданият соҳасида ҳам мустамлакачилик сиёсати юргизилиб, ўзбек халқининг миллий ҳиссиётлари ва дунёқараши ривожланишига тўсқинлик яратилди. Халқ маорифида мактаб ва мадрасалар ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Маданий мерос оёқости қилинди ва талай қисми харобага айлантирилди. Халқни маънавий жиҳатдан қашшоқлаштириш мақсадида ислом дини поймол қилинди.

Совет даврида маданий ва иқтисодий ҳаётда туб ўзгаришлар содир бўлган бўлса-да, лекин улар қалбаки коммунистик ғоялар билан суғорилди. Даҳшатли фожиа шундан иборатки, инсонларни «ёввойилик»дан тараққиётга ва фаровонликка чорлаган хусусий мулк, эркин ишбилармонлик ва савдо-сотиқ ҳамда дин тақиқланди. Ер, сув, корхоналар, қўйингчи, табиатдаги барча жонли ва жонсиз мавжудот давлатнинг мулкига айлантирилди. Ҳатто, миллат ва динидан қатъи назар, барча халқлар давлатнинг «жонли мулки» ҳисобланиб, «биз давлат кишиларимиз» ёки «партиянинг солдатларимиз» деган иборалар юзага келди.

«Ҳаммамизга маълумки, — деб ёзади Ислом Каримов, — биз сўнгги 70 йил мобайнида давлатга қарамлик ва сиғиниш ҳолатида яшадик. Мамлакатдаги барча бойликларнинг, мулкнинг эгаси давлат деб ҳисоблаб келдик. Қайси масалани олмайлик, давлат манфаати биринчи ўринда, фуқаро, шахс манфаати эса, деярли ҳисобга олинмаган».

Бор—йўғидан айрилиб, оёқости қилинган халқнинг давлат томонидан белгиланган оз миқдордаги маошидан бошқа ҳаёт манбаи қолмади. Давлат маош воситасида меҳнаткаш оммани кетидан хоҳлаган томонга эргаштириб юрди. Чунки, маошдан айрилиш ёки давлатнинг чизиғидан чиқиш фожиа билан тугарди. Шу боис давлатга сажда қилиш ва сиғиниш ҳамда содиқликни изҳор этиб туриш одат тусига айланди. Партияни кўр-кўрона улуғлаш ва олқишлаш авжига минди.

«Марказ» олтин, кумуш, уран, газ, пахта, ипак ва бошқа турли-туман бойликларни узлуксиз Россияга олиб кетаберди. Совет давлати чоризм даврида асос солинган пахта яккаҳокимлигини сунъий равишда шу даражада ривожлантириб юбордики, «пахта васвасаси» осмону заминни қоплади. У пахтадан олинадиган катта даромад илинжида ерни, сувни ва ҳавони заҳарлади, одамларни турли-туман касалликларга чалинтирди. Агар 1918 йилда пахта толаси 18,5 млн. пудни ташкил қилган бўлса, совет даврида 5-6 млн. тоннага етказилди. Аммо бу билан деҳқонларнинг турмуш даражаси яхшиланганги йўқ, аксинча, қашшоқлашди.

Совет ҳукумати табиатга ваҳшийларча муносабатда бўлиб, ҳаёт мувозанатини тўнтариб ташлади. Ҳатто, Орол денгизини қуритишдан ҳам тоймади. Ўлкада минг йиллар мобайнида ҳаёт-мамотнинг устунлари бўлиб келган ажойиб ҳунармандчиликнинг илдизи билан қўпориб ташланганлиги ҳисобга

(Давоми 3-бетда).

2

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки ва Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси томонидан чиқазилган «Хазина» пуллик лотереяси бўйича 1996 йил 6 ва 7 ноябрда Тошкент шаҳрида ўтказилган ютуқлар тиражининг

МАЪЛУМОТНОМА ЖАДВАЛИ

Тиражда лотереянинг беш разрядига умумий суммаси 50 млн. сўмлик 493165 та пул ютуқлари ўйналди.Ютуқлар тиражи лотереянинг бир разряди бўйича ўтказилди. Жадвалда кўрсатилган барча ютуқлар лотереянинг бошқа разрядлари шундай серия ва рақамларга эга бўлган билетларга ҳам тўланади. Масалан, серия рақами 003164, билет рақами 022 бўлган лотерея билетига 1000000 сўмлик пул ютуғи чиққанлиги кўрсатилган. Бу худди шу ютуқ ҳамма разряддаги шундай серия ва рақамли билетларга ҳам чиққанлигини билдиради.Бошқа ютуқлар ҳам шундай тартибда ўйналган. Серияси ва рақами қуйидагича бўлган лотерея билетларига қуйидаги ютуқлар чиқди:

СЕРИЯ РАҚАМИ	БИЛЕТ РАҚАМИ	ЮТУҚНИНГ МИҚДОРИ	СЕРИЯ РАҚАМИ	БИЛЕТ РАҚАМИ	ЮТУҚНИНГ МИҚДОРИ	СЕРИЯ РАҚАМИ	БИЛЕТ РАҚАМИ	ЮТУҚНИНГ МИҚДОРИ	СЕРИЯ РАҚАМИ	БИЛЕТ РАҚАМИ	ЮТУҚНИНГ МИҚДОРИ
000002	1-200	50	001029	1-200	50	002226	1-200	50	003060	1-200	50
000023	105	200000	001035	1-200	100	002234	1-200	50	003066	1-200	50
000025	1-200	50	001049	1-200	100	002244	1-200	50	003086	1-200	100
000026	1-200	50	001053	1-200	50	002247	1-200	50	003092	1-200	50
000027	1-200	50	001069	1-200	50	002254	1-200	50	003120	1-200	50
000031	1-200	50	001070	1-200	50	002255	1-200	50	003125	1-200	100
000032	1-200	50	001073	1-200	50	002260	1-200	100	003126	1-200	50
000034	1-200	50	001078	1-200	50	002270	1-200	500	003127	1-200	50
000040	1-200	50	001079	124	10000	002274	1-200	50	003132	1-200	50
000044	1-200	50	001088	1-200	50	002278	1-200	50	003136	1-200	50
000045	1-200	50	001094	1-200	50	002285	1-200	50	003159	1-200	50
000051	1-200	50	001095	1-200	100	002286	1-200	50	003164	022	1000000
000054	1-200	500	001116	055	10000	002302	1-200	50	003168	1-200	50
000063	1-200	50	001119	1-200	50	002305	1-200	50	003178	1-200	50
000064	1-200	50	001123	1-200	50	002312	1-200	200	003180	1-200	50
000068	1-200	50	001140	1-200	50	002316	1-200	50	003183	1-200	50
000070	1-200	50	001141	1-200	50	002317	1-200	50	003184	1-200	50
000085	105	700000	001164	1-200	50	002332	1-200	50	003189	1-200	50
000087	1-200	50	001167	1-200	50	002333	1-200	50	003196	1-200	100
000099	1-200	50	001168	1-200	50	002334	1-200	50	003200	1-200	50
000101	1-200	50	001169	1-200	50	002338	1-200	50	003203	1-200	50
000116	1-200	50	001176	1-200	50	002343	1-200	50	003208	1-200	50
000121	184	5000	001188	1-200	50	002345	1-200	50	003216	1-200	100
000122	1-200	50	001203	1-200	50	002355	1-200	50	003218	1-200	50
000137	1-200	50	001206	172	1000	002370	1-200	50	003252	1-200	500
000153	1-200	50	001212	1-200	200	002372	1-200	50	003257	1-200	50
000160	1-200	50	001237	117	20000	002384	1-200	500	003260	1-200	50
000166	1-200	50	001242	1-200	50	002386	1-200	200	003285	1-200	50
000167	1-200	50	001245	068	1000	002394	1-200	50	003286	1-200	50
000169	1-200	100	001260	1-200	50	002397	1-200	50	003296	1-200	100
000172	021	1000	001267	1-200	50	002406	1-200	200	003300	1-200	50
000175	1-200	50	001276	1-200	50	002409	1-200	50	003304	1-200	50
000224	1-200	50	001278	056	5000	002422	1-200	50	003334	125	5000
000225	1-200	50	001282	1-200	50	002427	1-200	50	003339	1-200	50
000233	1-200	50	001293	1-200	50	002430	1-200	50	003346	1-200	50
000242	1-200	100	001306	110	5000	002438	1-200	200	003350	1-200	100
000245	1-200	100	001310	1-200	50	002441	1-200	50	003355	1-200	50
000251	1-200	50	001321	1-200	100	002448	1-200	200	003370	1-200	50
000267	1-200	50	001330	1-200	50	002453	017	1000	003374	1-200	50
000271	018	1000	001333	1-200	50	002468	1-200	50	003375	1-200	50
000279	1-200	50	001343	1-200	50	002469	1-200	500	003407	1-200	50
000282	1-200	50	001347	1-200	50	002476	1-200	50	003411	1-200	50
000289	1-200	50	001379	1-200	50	002478	1-200	50	003423	1-200	50
000298	1-200	50	001380	1-200	50	002499	1-200	50	003447	1-200	50
000304	1-200	50	001384	1-200	50	002501	1-200	50	003452	1-200	50
000314	1-200	50	001388	1-200	50	002507	1-200	50	003456	1-200	50
000316	1-200	50	001394	1-200	50	002512	1-200	50	003458	1-200	50
000322	1-200	50	001400	1-200	50	002523	1-200	50	003466	1-200	50
000355	1-200	50	001402	1-200	50	002526	1-200	50	003475	1-200	50
000357	1-200	50	001407	1-200	50	002536	1-200	50	003490	1-200	100
000359	1-200	50	001429	1-200	50	002539	1-200	100	003520	1-200	50
000365	1-200	100	001443	1-200	50	002551	1-200	50	003526	101	5000
000372	1-200	50	001444	1-200	50	002564	1-200	50	003529	105	5000
000378	1-200	200	001452	1-200	50	002567	1-200	50	003531	1-200	50
000380	1-200	50	001453	1-200	500	002572	1-200	50	003541	1-200	50
000393	1-200	50	001467	1-200	50	002574	1-200	50	003542	1-200	50
000397	1-200	50	001468	1-200	100	002581	1-200	50	003544	1-200	50
000398	1-200	50	001478	099	1000	002582	1-200	50	003563	1-200	50
000399	1-200	50	001494	1-200	50	002584	1-200	50	003568	1-200	50
000417	1-200	50	001504	1-200	500	002587	1-200	50	003575	142	50000
000427	1-200	50	001545	1-200	100	002592	1-200	50	003583	1-200	50
000432	1-200	50	001558	1-200	50	002600	1-200	50	003591	1-200	50
000445	1-200	50	001567	1-200	50	002604	1-200	50	003592	1-200	50
000452	1-200	50	001577	1-200	50	002605	1-200	100	003611	1-200	200
000455	1-200	50	001579	1-200	50	002607	1-200	100	003615	1-200	100
000463	1-200	50	001609	1-200	50	002619	1-200	50	003618	1-200	100
000464	1-200	50	001623	1-200	50	002621	1-200	50	003626	110	1000
000467	1-200	50	001636	200	1000	002627	1-200	50	003627	1-200	50
000479	1-200	50	001640	1-200	50	002632	1-200	50	003631	1-200	50
000484	1-200	50	001648	1-200	50	002634	1-200	50	003635	1-200	200
000494	1-200	50	001655	1-200	50	002669	1-200	50	003659	1-200	50
000496	1-200	50	001656	1-200	50	002680	1-200	50	003665	1-200	50
000512	1-200	50	001658	1-200	50	002684	1-200	50	003681	1-200	50
000520	1-200	50	001661	1-200	50	002686	1-200	50	003684	1-200	50
000531	1-200	50	001664	1-200	50	002693	1-200	100	003689	1-200	50
000533	1-200	50	001674	1-200	50	002701	1-200	50	003698	1-200	50
000543	1-200	50	001676	1-200	200	002703	1-200	50	003699	1-200	50
000545	1-200	50	001682	1-200	50	002713	1-200	200	003713	1-200	50
000546	176	1000	001684	1-200	50	002714	1-200	50	003722	1-200	50
000549	1-200	50	001686	117	5000	002725	1-200	50	003733	1-200	50
000557	113	20000	001711	1-200	50	002728	1-200	50	003735	1-200	50
000562	1-200	100	001712	1-200	100	002733	1-200	50	003741	1-200	50
000569	1-200	50	001724	1-200	50	002757	1-200	50	003749	1-200	50
000578	1-200	50	001729	1-200	50	002764	1-200	50	003754	1-200	50
000580	1-200	100	001736	1-200	50	002769	1-200	50	003764	1-200	50
000581	1-200	50	001739	1-200	50	002777	1-200	50	003770	1-200	50
000590	1-200	50	001740	1-200	50	002802	1-200	100	003773	1-200	50
000597	1-200	50	001768	1-200	50	002806	1-200	200	003781	1-200	50
000599	1-200	50	001774	1-200	50	002818	1-200	50	003791	1-200	200
000600	1-200	50	001775	1-200	200	002826	1-200	50	003801	1-200	50
000602	1-200	50	001778	1-200	50	002838	1-200	50	003804	1-200	50
000615	1-200	50	001798	182	5000	002841	1-200	50	003809	1-200	50
000622	1-200	50	001803	1-200	50	002846	1-200	50	003811	1-200	50
000629	1-200	50	001808	1-200	50	002859	020	5000	003812	1-200	50
000640	1-200	50	001816	1-200	50	002862	1-200	50	003818	1-200	50
000645	1-200	50	001827	1-200	50	002870	1-200	200	003820	1-200	50
000655	1-200	50	001831	1-200	50	002882	1-200	50	003827	1-200	50
000668	1-200	200	001832	1-200	50	002883	1-200	50	003833	1-200	50
000673	1-200	50	001839	1-200	50	002889	150	100000	003838	1-200	200
000676	1-200	50	001871	1-200	50	002894	1-200	50	003839	1-200	50
000679	1-200	50	001877	1-200	100	002895	1-200	50	003840	1-200	100
000682	1-200	50	001892	1-200	50	002909	1-200	100	003844	1-200	50
000685	1-200	50	001918	1-200	50	002911	1-200	500	003861	1-200	50
000693	1-200	50	001929	1-200	50	002917	1-200	50	003864	1-200	50
000695	1-200	50	001931	1-200	50	002918	1-200	50	003879	1-200	50
000722	1-200	50	001936	1-200	50	002922	1-200	50	003884	1-200	50
000730	1-200	50	001975	077	1000	002930	1-200	50	003887	1-200	50
000737	1-200	50	001982	1-200	50	002935	1-200	50	003889	1-200	50
000747	1-200	100	001992	1-200	50	002950	1-200	500	003892	1-200	50
000752	1-200	50	002001	1-200	50	002956	073	10000	003909	1-200	50
000759	1-200	50	002006	1-200	200	002961	1-200	50	003918	1-200	50
000766	1-200	50	002011	1-200	50	002969	1-200	50	003920	1-200	50
000775	1-200	50	002014	1-200	50	002970	1-200	100	003924	1-200	50
000783	1-200	200	002017	1-200	50	002985	1-200	50	003931	1-200	50
000799	1-200	50	002029	1-200	50	003001	1-200	50	003948	1-200	50
000802	1-200	50	002033	1-200	50	003015	1-200	50	003950	1-200	50
000804	1-200	50	002046	1-200	50	003018	1-200	50	003952	1-200	50
000812	1-200	50	002051	1-200	50	003020	124	5000	003969	1-200	50
000819	1-200	200	002085	1-200	500	003024	1-200	50	003970	1-200	500
000820	1-200	50	002097	1-200	50	003027	066	700000	003978	117	10000
000822	1-200	50	002101	1-200	50	003049	1-200	50	003982	1-200	50
000828	1-200	200	002103	1-200	50	003056	1-200	50	003994	1-200	50
000847	1-200	50	002107	1-200	50						
000850	1-200	50	002111	1-200	200						
000852	1-200	50	002129	1-200	50						
000864	1-200	50	002133	1-200	50						
000875	1-200	50	002142	1-200	50						
000877	1-200	200	002143	1-200	50						
000878	1-200	50	002151	1-200	50						
000882	1-200	50	002159	1-200	50						
000893	1-200	50	002172	1-200	50						
000898	1-200	50	002176	1-200	50						
000916	1-200	200	002182	1-200	50						
000953	1-200	50	002184	1-200	50						
000956	1-200	50	002186	1-200	50						
000968	1-200	50	002191	166	10000						
000977	1-200	200	002197	1-200	50						
000995	1-200	50	002209	1-200	50						
001010	1-200	50	002215	1-200	50						
001020	1-200	500	002219	1-200	50						
001028	1-200	50	002221	1-200	100						

— 5000 сўмгача ютуқлар икки ва ундан кўп ходим бўлган Халқ банкининг бўлимларида тўланади.

— 5000 сўм ва 5000 сўмдан юқори ютуқлар лотерея чипталари Ўзбекистон Республикаси Халқ банки томонидан олдиндан текширилгандан кейин тўланади.

Ютуқ чипталари ҳақ тўлашга 1997 йил 10 майгача қабул қилинади. Ушбу муддатдан кейин лотерея чипталари ўз кучини йўқотган ҳисобланади ва ҳақ тўлашга қабул қилинмайди.

Ютуқлар газетанинг навбатдаги сони чиққандан кейин икки кун ўтгач, тўлана бошланади.

Тираж комиссиясининг раиси — Алишер ЭРГАШЕВ, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ҳокими вазифасини бажарувчи.

Тираж комиссиясининг масъул котиби — Миргози КАРИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Халқ банки бошқарувининг масъул ходими.

ТАРИХ ВА ҲАҚИҚАТ

(Давоми. Боши 2-бетда).

олинса, фожиага фожиа қўшилади. Тўғри, совет даврида халқ маорифи, олий ва ўрта таълим тармоқлари, матбуот, фан ва маданият соҳалари кенг кўламда ривожланди. Қўплаб саноат корхоналари қурилди. Уларни инкор этиш адолатдан эмас, албатта.

Аммо, барча иқтисодий ва маданий ўзгаришларни кейинги 130 йил мобайнида Ўзбекистондан олиб кетилган турли-туман бойликларга таққосласак, денгиздан бир томчидир. Иккинчидан, совет давлатини ўрнатиш, социалистик тузумни қуриш ва мустаҳкамлаш жараёнида миллионлаб кишиларнинг қириб ташланганлиги, сургунлар ва қамоқ жазолари, вайронагарчиликлар ва мисли кўрилмаган талафотлар назарда тутилса, у вақтда ўша тузумга лаънатлар айтишдан бошқа илож қолмайди.

Аммо, бизда «қатиқ тўкилса юқи, сут тўкилса нимаси қолади» деган нақл бор. Зеро, совет даврида бизга мактаблар, ўрта ва олий ўқув юртлари, матбуот, саноат ва сунъий суғориш тармоқлари, фан ва маданият ўчоқлари, янги ўзлаштирилган ерлар, транспорт воситалари, турар жойлар ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари қолди. Гарчанд улар жаҳон тараққиёти андозасидан анча орқада қолган бўлса-да, лекин ҳозирги ҳаётимизни таъминлашда кўр бўлиб турибди. Уларни коммунистик ғоялардан тамомила тозалаш ва мустақиллик манфаатларига йўналтириш шу куннинг талабидир. Бу борада республикамизда улкан ютуқларга эришаётганлиги қувонарлидир.

Орамизда совет ҳокимияти бўлмаганда фан ва маданият бунчалик ривожланмаган бўларди, деб юрувчилар оз эмас. Мен бундай фикрга мутлақо қўшилмайман. Чунки, ўзбек халқи ўзининг кўп асрлик тарихи давомида мустақил равишда қудратли империяларни, юксак фан ва маданиятни юзага келтирганлиги сир эмас. Зеро, бундан минг йил илгари Ўзбекистонда олий даргоҳлар — мадрасалар ва академия ташкил топди. Ўрта асрдаёқ жаҳон тан олган олимлар етишди, лекин совет даврида Нобель мукофотини олиб, дунёга донги кетган бирорта олим чиқдими?!

Шу ўринда советпарастларга шуни айтмоқчиманки, 130 йиллик мустамлака давридаги оммавий қирғинлар, талон-торожлик ва даҳшатли очарчиликлар бўлмай, мустақиллик ҳукм сурганда ҳозирда Ўзбекистонимиз ўрта ҳисобда 100 млн. аҳолига эга бўлган қудратли ва гуллаб-яшнаган илғор давлат сифатида гавдаланиб турган бўларди.

Умумий хулоса шуки, совет давлати чоризм асос солган мустамлакачилик ва миллий зулмни энг юқори босқичга кўтарди. Натижада мазлум халқ бамисли «ёмғирдан қутулиб қорга учради». Чунки чор ҳукумати даврида хусусий мулкчилик ва диннинг дахлсизлиги сақланди. Совет даврида эса улар қатағон қилинди. Мамлакатда сиёсий ва инсоний ҳуқуқларни хусусий мулкчиликни, эркин ишбилармонлик ва савдо-сотиқни, маънавий қашшоқлик ва мамлакатнинг «темир қафас» билан ўралиши натижасида қулчилик шаклланди. Бинобарин, «социализм» эмас, балки совет қулдорлик давлати ташкил топди.

Айрим кишилар, наҳотки кўпдан-кўп етиштирилган олимлар, шоирлар, ёзувчилар, инженерлар, врачлар, агрономлар, боқ-

3

қа мутахассисларни қул дейиш мумкинми, деб эътироз билдиришлари мумкин. Аммо улар, ҳақиқатан ҳам, юқорида кўрсатилган белгиларга кўра «саводли ва малакали» қуллар эди.

Совет ҳукумати умумжаҳон тараққиётини ҳисобга олиб, фуқароларнинг саводини чиқаришга, билимини оширишга мажбур бўлган. Акс ҳолда давлатни сақлаш мумкин бўлмай, ҳалокатга учрарди.

Маълумки, инсоният тарихида аллақачонлар қулчилик «ўз ошини ошаб, ёшини яшаб» ўтган замонларнинг ёдгорлигига айланган. XX асрда эса уни жорий этишга шарт-шароит йўқлиги туфайли қирғин ва зўравонлик билан амалга оширилди. У фавқулоддаги ғайри табиий ҳодиса бўлганлиги учун чуқур илдиз ота олмай, империяни ичидан чиритиб юборди. Натижада совет давлати атом ва бошқа даҳшатли қуроллар билан шайланган қўшинга эга бўлишига қарамай, осонлик билан ағдарилди. Мазлум халқлар эса бирин-кетин қулликдан қутулиб, озодликка чиқдилар. Бу хусусда Ислом Каримов шундай ёзади: **«Қуллик ва мутелик исканжасидан озод бўлиш, қадни баланд тутиш, ота-боболаримизнинг удумларини тиклаб, уларга муносиб ворис бўлишдан шарафлироқ вазифа йўқ бу дунёда».**

Марказий Осиёда бу шарафли вазифа биринчи бўлиб Ўзбекистонда адо этилди.

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ТИКЛАНИШИ

Қайта қуриш йиллари. 1981-1991 йилларда яқиндагина жаҳонни ларзага солиб турган тоталитар давлатнинг миси чиқиб, тобора ҳалокатга яқинлашиб бормоқда эди. Бунда аввалгидек ғайритабиий қулчилик тузумининг ўз-ўзидан ичидан чириши билан баробар бутун мамлакатда демократик ғояларнинг тобора кучайиши муҳим ўрин эгаллайди. Аммо, жон талвасасига тушиб қолган қизил империя ҳали яшаш умидидан воз кечмаган эди. Шу равишда мамлакат ичра бир-бирига қарама-қарши икки оқим шаклланиб, бири қандай бўлмасин империяни сақлашни, иккинчиси эса уни ағдаришни вазифа қилиб қўйган эди.

Куч ва имкон нисбатига келганда империя тарафдорларининг мавқеи баланд бўлиб, улар қудратли қўшинга ва махфий кучларга эга эдилар. Шу боис унинг сиртмоғидан осонлик билан қутилишнинг иложи йўқ эди. Шунга қарамай, озодлик учун олиб борилаётган курашлар қизғин тус олиб, ниҳоятда масъулиятли ва мураккаб вазият юзага келди.

Хўш, тақдирни узил-кесил ҳал этувчи бундай шароитда Ўзбекистонда қандай сиёсат юргизилди?

Биринчидан. Қайта қуриш йилларида халқнинг ўз-ўзини англаши ва тоталитар давлатга қарши нафрати ва демократик ҳаракатлар тобора кучайиб борди. Айниқса депутатларнинг, зиёлиларнинг ва умуман жамият илғор вакилларининг озодлик ғояларини тарғиб қилишлари муҳим ўрин эгаллади. Шу зайлда мустақилликни тиклаш учун зарур шарт-шароит тобора етилиб борди. Эндиликда халқнинг хоҳиш-иродасини ва озодлик ғояларини рўёбга чиқаришни бошқара оладиган, моҳир йўлбошчи «сув билан ҳаводек» зарур эди.

***

Шундай раҳбар Ислом Каримов мисолида яққол намоён бўлди. У ўз халқига таянган ҳолда атрофига Ватанга ва озодликка содиқ кишиларни жипслаштириб, амалда «умумий фронт»ни шакллантириб борди.

Айни пайтда мустақилликни қурбонсиз ва талафотларсиз тиклашга қаратилган чоралар кўрилди. Бордию бебошлик, тартибсизликка йўл қўйилса, у вақтда бундай чалкашлик империя тарафдорларига қул келган бўларди. Зеро, «лойқа сувда балиқни тутиш» жуда осонлиги барчага маълумдир.

Шунингдек, шароит шунчалик мураккаб эдики, марказ билан

(Давоми 4-бетда).

ТАРИХ ВА ҲАҚИҚАТ

(Давоми. Боши 2-ва 3-бетларда).

вақтинчалик «умумий тил» топишни тақозо этарди. Акс ҳолда, унинг ғазаби ёмон оқибатлар билан тугаши турган гап эди. Масалан, марказнинг ташкилотчилиги натижасида айрим республикаларда қонли тўқнашувлар бўлганлиги ҳамон эсимизда турибди. Шу боис республикада юритилган тўғри сиёсат халқни бундай фожиалардан холи бўлишини таъминлади.

Иккинчидан. 1990 йилнинг 20 июнида Ўзбекистон Олий Кенгаши сессиясида Мустақиллик декларациясининг қабул қилиниши, ундан сал олдин Президент лавозимининг таъсис этилиши мустақилликнинг заминини бунёд қилишда катта аҳамиятга эга бўлди.

Декларациянинг аҳамияти шундан иборатки, у миллий-озодлик ғояларини етилтирди, кишиларни руҳлантирди, порлоқ келажакка умид ва ишонч бағишлади. Айни бир пайтда демократик ғояларни шакллантирди. Унда ҳуқуқий ва демократик давлат мустақиллигининг устуворлиги, Ўзбекистоннинг Иттифоқдош республикалар ва бошқа давлатлар билан муносабатлари шартномалар асосида белгиланиши ва давлат белгилари (герб, байроқ, мадҳия)ни ўзи таъсис этиши кўрсатилган.

Декларация гарчанд ўша вақт шароитининг тақозосига кўра шаклан иттифоқ доирасида, мазмунан мустақил бўлишни ифода этган бўлса-да, лекин у озодлик сари ташланган катта қадам бўлди. У келажакда Ўзбекистон мустақиллигини узил-кесил тиклаш учун шарт-шароитни бунёд этди. Бу борада республикада тарихда биринчи маротаба жаҳон андозаси даражасидаги олий мансаб — президентлик лавозимининг таъсис этилиши катта аҳамият касб этди. У раҳбарликнинг шунчаки кўринишларидан бири ҳисобланмай, моҳияти ва йўналиши жиҳатидан катта маънони ва мақсадни англатарди. Зеро, у мустақилликка ва озодликка даъват этган омиллардан бири ҳисобланади.

Учинчидан. Маълумки, минтақамиз ва бошқа мамлакатлар тарихида мустақилликни тиклашга қаратилган халқ ҳаракатлари мағлубиятга учратилиб, минглаб кишилар ҳалок қилинган. Бунга кўп ҳолларда уларга билимдонлик ва тадбиркорлик билан бошчилик қилишга қодир раҳбарларнинг йўқлиги сабаб бўлган. Шунинг учун ҳам мен жамият ҳаётида шахснинг, яъни биринчи раҳбарнинг фаолиятига ҳал қилувчи омил сифатида қарайман. Масалан, Амир Темур фаолиятига назар—ташлайлик. У катта ақл-идрок, жасорат, тадбиркор, билимдон ва моҳир сиёсат соҳиби бўлганлиги туфайли ўз атрофига мазлум халқни жипслаштириб, мустақилликни тиклади ҳамда қудратли империяни тузди. Аммо, унинг вафотидан кейинги салкам 600 йил мобайнида эса, Туркистонда ўзаро урушларни ва талон-торожларни ҳамда чет эл босқинчиларининг ҳужумларини бартараф қилиб қудратли давлат тузишга қодир ҳукмдор деярли чиқмади. Ниҳоят 1991 йилда кўз ўнгимизда Президентимиз бошчилигида Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинди. Шу вақтдан буён қуйидаги буюк ўзгаришларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз:

Янги сиёсий тизим. Мустақиллик туфайли миллий давлат тикланиб, сиёсий-маъмурий тизим умуммиллат манфаатлари нуқтаи назаридан шакллантирилди. Натижада тоталитар тизимга зарба берилиб, давлат бошқаруви миллийлаштирилди. Умумиттифоқ вазирликлари ва бошқармалари тугатилди. Биринчи навбатда ўз халқига ва ватанига содиқ парламентни шакллантиришга катта аҳамият берилди.

Ўзбекистон Мудофаа вазирлигининг ва миллий гвардиянинг, айниқса, миллий қўшиннинг ташкил топиши ғоятда катта ютуқ бўлди. Маълумки, миллий қўшин 130 йиллик мустамлака даврида бўлмаган эди.

Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо қилиниши ва унинг пештоқида байроғи ҳилпираб туриши бутун тарихимиз давомида биринчи ҳодисадир. Айни пайтда кўплаб давлатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатилди.

Янги иқтисодий тизим. Мустақиллик шарофати туфайли Ўзбекистон ерларининг, сувларининг, турли-туман бойликларнинг ва умуман табиатдаги барча мавжудотнинг ҳақиқий эгаси бўлиб қолди. Бу иқтисодиётдаги энг муҳим туб ўзгаришлардан бири ҳисобланди. Иккинчи йирик ўзгаришларга иқтисодиётнинг мафкурадан батамом холи қилинишида ўз аксини топди. Учинчи туб ўзгариш мулкчиликнинг янги шаклларини вужудга келтириб, саноатни, савдони, маиший хизмат корхоналарини ва уй-жойларни хусусийлаштиришдан ва давлат тасарруфидан чиқаришдан иборат бўлди.

Хорижий мамлакатларнинг вакиллари билан қўшма корхоналарнинг ташкил қилинишидаги муваффақиятлар тахсинга лойиқдир. Бугун республикада қўшма корхоналар сони 3600 дан ошиб кетди. Автомобиллар ишлаб чиқарадиган, тилла, нефть ва бошқа саноат тармоқларининг вужудга келтирилиши республика саноатини катта янгиликлар билан бойитди ва такомиллаштирди.

5

Қишлоқларни саноатлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳам иқтисодий ҳаётнинг энг муҳим янгиликларидан биридир. Улар деҳқонларни иш билан таъминлашда ва турмуш даражасини кўтаришга ижобий таъсир этади. Ҳозирда хорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқалар республиканинг қўл остидадир. Иқтисодий ва дипломатик алоқаларнинг эркинлаштирилиши ва ҳуқуқий негизларнинг яратилиши орқасида Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги мавқеи ўсмоқда.

Демак, кейинги беш йил мобайнида хусусий мулкчиликка асосланган янги иқтисодий тизимнинг пойдевори бунёд этилди. Унинг моҳияти ва йўналиши Ўзбекистонни хом ашё манбаидан тамомила холи этишдан иборатдир.

Туб маънавий ўзгаришлар. Мен бу масала бўйича сўз юритилганида биринчи галда коммунистик ғоялардан дарҳол воз кечилганини назарда тутаман. Ҳақиқатан ҳам, бу ғоянинг улоқтириб ташланиши маънавий ҳаётдаги муҳим инқилобий ўзгаришдир. Тарихан шаклланган, лекин илгари оёқости қилинган миллий анъаналарга, удумларга, қадриятларга, маросимларга ва маданий меросларга жон киргизилди.

Ўзбеклар ўтмиш тарихи, буюк олиму фозиллар, давлат арбоблари ва дин пешволари билан ғурурланиш ва фахрланиш имконига эга бўлдилар. Миллий одоб-ахлоқ, инсонпарварлик, Ватанга содиқлик, сингари фазилатлар ўз куч-қудратини кўрсатмоқда.

Республикада виждон ва дин эркинлигининг тикланиши, кўплаб масжид ва мадрасаларнинг қурилиши ҳамда «Зиёратгоҳ» жойларнинг таъмирланиши ҳам маънавий ҳаётда муҳим янгиликларни юзага келтирди.

Ижтимоий фанларнинг соҳаларида, жумладан,адабиёт ва санъатда миллий ҳис-туйғуларни, озодликни мадҳ этувчи асарлар чоп этилмоқда. Илгари бундай қилиш тақиқланган бўлиб, озодлик жарчилари «миллатчилар» ва «халқ душманлари» деб қораланган ҳамда қаттиқ жазоланган.

Умуман олганда, олий неъмат саналмиш Мустақиллик қуйидаги ўзига хос ва мос хусусиятларга эгадир:

Биринчидан, юқорида шарҳланган икки хилдаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тизимлар бир-бирларига солиштирилса, ер билан осмончалик кескин фарқи мавжуд. Уларнинг бири қонларга ва азобу уқубатларга беланган, хусусий мулксиз ва динсиз жамиятни ҳамда мустамлакачилик ва миллий зулмни ўз ичига олган эди. Иккинчиси эса, қуллик ва манқуртлик занжирларини парчалаб, хусусий мулкчиликни, эркин ишбилармонликни ва савдо-сотиқни, динни ва миллий маънавиятни ривожлантираётган ҳаётни ташкил этмоқда. Шунингдек, совет қўлдорлик давлати ўрнига тамомила янги сиёсий миллий бошқарув тизими, яъни мустақил миллий давлат бунёд қилинди.

Совет тузуми бамисоли борлиқни ёндириб кулга айлантирувчи бўлса, миллий тузум сув каби ҳаёт чашмаси бўлмоқда.

Иккинчидан, Мустақилликнинг эълон қилиниши дабдабали намойишлар ва тўс-тўполонлар билан эмас, балки мазлум халқнинг хоҳиш-иродаси ва эзгу мақсадлари маҳсули сифатида Ислом Каримовнинг ташаббуси ва амалий чоралари туфайли юқоридан пастга йўналтирилди. Бордию озодлик ҳаракати ҳукм сураётган давлат билан тўқнашиб, ҳокимиятни эгалласа, у вақтда инқилоб пастдан бошланиб, юқорига кўтарилган бўларди. Агар ҳокимият вакилларининг ташаббуси билан иш юритилса, у вақтда инқилоб юқоридан бошланади. Бизда худди мана шундай тарзда мустақиллик тикланди. Бунда халқнинг ҳам, Ислом Каримовнинг ҳам қалбидаги озодлик ғоялари бир-бирлари билан қоришиб ва уйғунлашиб кетиб, умуммиллат манфаатларини ифода этувчи қудратли тўлқин ва кучга айланди.

Учинчидан, 31 август инқилобининг муҳим хусусиятларига унинг бутун Марказий Осиё республикаларида биринчи бўлиб содир бўлганлигини киритиш мумкин. Бу мисли кўрилмаган жасорат, мардлик, эрксеварлик ва мустақиллик намуналари барча республика халқларини ҳайратлантиргани ва руҳлантиргани ҳамон ёдимиздадир. Ўзбекистон ибрати кўп республикаларни бош кўтаришга ва мустақилликни тиклашга даъват этган муҳим тарихий воқеадир.

Тўртинчидан, 31 август воқеаси фавқулоддаги бир ходиса бўлмай, ўзбек халқининг ўтмишда чор ҳукумати ва совет давлатига қарши олиб борган курашларининг якунловчи босқичи ҳисобланди. Ниҳоят, ота-боболаримизнинг дарё каби оққан қонлари ва мислсиз талафотлари беҳуда кетмай, ўз самарасини берди. Бу шу ҳақда гувоҳлик берадики, чет эл босқинчиларининг 130 йил мобайнида миллий-озодлик ҳаракатларини қўпориб ташлашга қаттиқ ҳаракат қилишларига қарамай, ёвуз мақсадларига эриша олмадилар. Пировардида вақти-соати келиб шароит етилиши биланоқ халқнинг юрагидаги озодлик ғоялари вулқон каби отилиб, асрий орзулар ушалди.

Сўнгги сўз: 31 августда шундай буюк воқеа содир бўлдики, унинг аҳамиятини таърифлашга қалам ва сўз ожизлик қилади. Менинг назаримда, ўша қутлуғ кунда ва айни пайтда жуда хавф-хатарли кезларда республика Президенти донолик билан иш юритди. Ўша вақтларда даҳшатли фожиаларнинг юз бериши эҳтимолдан холи эмас эди. Шунга қарамай, ниҳоятда билимдонлик билан юритилган сиёсат туфайли талафотларсиз мақсадга эришилди. Бу буюк хизматни тарих унутмайди!

Ҳамид ЗИЁЕВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

6

Эмишки...

Техник кўрик ҳақида

Кеча машиналар қўядиган гаражда йигитларнинг айтишича, 1980 йилгача чиқарилган енгил машиналар техник кўрикдан ўтказилмайди, умуман кейинчалик эскирган машиналар йиғиштириб олинади деган миш-мишни айтишди. Бу гапда қанчалик ҳақиқат бор?

Абдураҳмон ИСЛОМОВ,
Тошкент шаҳри.

Биз ушбу савол билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ДАН бошқармасига мурожаат қилдик. Бошқарма техник назорат бўлими бошлиғининг ўринбосари, подполковник Султонмурод Матқобуловнинг айтишича юқоридаги миш-мишга ҳеч қандай асос йўқ.

Обуначи бурчаги

ГАПНИ ГАПИР УҚҚАНГА...

Баъзан уйқусиз тунлар эвазига чиқараётган газетамиз ўз эгасига етиб боряптимикан, деган мулоҳазаларга борамиз. Шундай дамларда газета мундарижаси ҳақида таҳририятга келган хатларни ўқиганда кўнглимиз таскин топгандай бўлади.

* * *

Барча нашрлар қатори «Ўзбекистон овози» газетасига ҳам обуна давом этмоқда. Тўғри, баъзилар бу юмушни мавсум охирига қолдиришга ўрганишган. Лекин обунани ўз вақтида расмийлаштириб кўнгилни тинчитганга нима етсин. Айрим газетхонлар «Нега «Ўзбекистон овози»нинг обуна баҳоси қиммат?» дейишмоқда. Мен ундайларга шеърий сатрлар билан жавоб бермоқчиман.

Татимайди арзон шўрва,
Нархидан минг розимиз.
Келиб турса бўлди бизга
«Ўзбекистон овози»миз!

Одамбой БЕКЖОНОВ,
Хева шаҳри.

***

Яқинда Амир Темур ҳаёти ва ижоди бўйича ўткир зеҳнлилар мушоираси ўтказдик. Унда 1995-96 йилларда «Ўзбекистон овози» газетасида эълон қилинган Азамат Зиёнинг туркум мақолалари бизга жуда қўл келди. Мақолаларда гўё Амир Темур ҳаёти, босиб ўтган йўллари ҳақидаги маълумотларни ипга тизилган садафдай ёрқин акс этган. Рақибларимизни йирик ҳисобда ютдик. Бу ғалабада «Ўзбекистон овози»нинг ҳам ҳиссаси катта деб ҳисоблаймиз. Шундай экан, бу газетага обуна бўлганимиз бўлсин!

Нормамат САФАРОВ,
Музработ тумани.

* * *

«Ўзбекистон овози»нинг ҳар бир сонини интизорлик билан кутамиз. Бизга хабар қилишларича газета келгуси йилда чинакам кундалик нашрга айланаркан. Мустақил мамлакатда яшаб туриб республиканинг бой анъаналарига эга газетасини ўқимаслик мумкинми?! Истагимиз: келгуси йилда ҳам газета шоир ва ёзувчилар ижодидан кўпроқ намуналар бериб турса. Негаки халқимиз азалдан шоиртабиат.

Жўр бўлмоқни истасангиз
Даврамизнинг созига,
Кечикмасдан ёзилингиз
«Ўзбекистон овози»га.

Зокиржон ФАХРИДДИНОВ,
Қува тумани.

... ҲАР ЖОЙДА БОР ТОШ-ТАРОЗУ

Бозор ҳамма вақт ҳам халқ ҳаётининг барометри бўлиб келган. Мамлакатимиз пойтахтида кўплаб бозорлар бўлиб, улар ичида Паркент бозорининг ўрни алоҳидадир. Аввалги Аския бозорида жойлашган кўтара бозор бу ерга кўчирилгач, нарх-навода арзончилик яккол сезилмоқда. Масалан, кечаги якшанба куни Олой бозорида бир килограмм сариёғ 230-250 сўм баҳоланса, Паркент бозорида 200-230 сўмни ташкил этди. 100 граммли «Пеле» кофеси Олой бозорида 135 сўм, Паркент бозорида 117 сўмдан, «Родопи» сигарети тегишли равишда 18 ва 14 сўмдан, «Пал-Мал» сигарети 40 ва 35 сўмдан, «Мал-боро» сигарети 75 ва 70 сўмдан таклиф қилинмоқда.

БИР СЎМ ҲАМ ПУЛ

Тошкент бош почтампининг кенг залига кириб обуна қаерда амалга оширилаётганлигини сўрадик: 5-рақамли дарчада экан. Обунани расмийлаштириш қоғозини сўраганимизда унинг ҳар донасига бир сўмдан тўлаш кераклигини айтишди. Бу ҳол «Ўзбекистон овози» газетхонлари учун обуна варағини чоп этишимизга туртки бўлди. Ҳа, бир сўм ҳам пул!

... ЯРМИ ЧИН МАСЛАҲАТЛАР

Автобус шоҳбекати раҳбарига

Шаҳарлараро автобусларни Отчопар бозори ёнидан қайтадиган қилсангиз қандай бўларкин?

Шаҳар ҳокимига

Транспорт таъминоти мутасаддилари хизмат хоналарини идорангиз ёнгинасидаги автобус бекати қаршисида жойлаштирсангиз маъқул бўларди.

Маҳалла оқсоқолига

Наҳорги ошни соат 5 да эмас, тунги соат 3 да очишни ташкил қилсангиз. Ўшанда бир кунда камида 4 та ошга улгуриш мумкин.

Уй бекасига

Ой охирида пахта ёғи излагандан кўра ой бошида кунгабоқар ёғини ғамлаб қўйсангиз тўғри бўларди.

Механизаторга

Техникани далага олиб чиқиб бир кунда ишдан чиқаргандан кўра ишлатмасдан сақласангиз фойда кўпроқ бўлади.

Ўқитувчига

Конспектингизни ҳуснихат дарсида ўқувчиларга кўчиртиринг.

(«Обуначи бурчаги» материалларини Шуҳрат ЖАББОРОВ саралади).

Футбол

БИЛЛУРНИ КУМУШГА ЎРАБ

Тошкентдаги МҲСК ўйингоҳида ўтказилган Ўзбекистон биллур соврини учун учрашув қизиқарли ва муросасиз бўлди. «Пахтакор» билан «Нефтчи»га совриндор бўлиш заруратга айлангандай эди. Пахтакорчилар жилла бўлмаганда кубокни қўлга киритиб, мухлислар олдида ўзларининг азалий обрў-эътиборларини тиклашни кўзлашганди. Фарғоналиклар эса чемпионликка эришолмагач, кубокни қўлга киритиб, ишқибозларни қувонтиришга аҳд қилган эдилар. Шунинг учун ҳам ҳар иккала томон шиддатли ўйин кўрсатди. Афсуски, дарвозалар дахлсиз қолаверди. Асосий вақт ҳам тугаб, қўшимча вақт белгиланди. Яна ҳисоб очилмади.

Учрашув тақдирини бештадан тепиладиган 11 метрли жарима тўплари ҳал қиладиган бўлди. «Нефтчи» ўйинчилари беш марта дарвозани аниқ мўлжалга олдилар. Фақат бешинчи тўпни фарғоналик А. Филиппов қайтаришга имкон топиб, ўз жамоасига ғалаба келтирди. Шундай қилиб «Нефтчи» 5:4 ҳисобида зафар қучиб, биллур совринга эга бўлди. Энди улар Осиё кубок эгалари кубоги баҳсларида иштирок этадилар.

Тошкент қишлоқ хўжалик коллежи жамоаси коллеж директори Асом Маҳсумовга онаси
Бахринисо РАҲИМХЎЖАЕВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ташкилотлар ва хусусий корхоналар диққатига!

"ЎЗБЕКЕНГИЛСАНОАТ" УЮШМАСИ

Енгил саноат маҳсулотларининг 1997 йилга улгуржи савдоси бўйича **республика ярмаркаларида** иштирок этишга таклиф этади.

Ярмаркалар: 20 ноябрдан 23 ноябргача — тўқимачилик маҳсулотлари (ип-газлама ва иплар, шойи газламалар, ярим жундан бўлган одеялалар, нотўқима материаллар, ватин), гиламлар, чинни идишлар, галантерея, фурнитура;
5 ноябрдан 9 декабргача — тикувчилик, трикотаж, мўйна, пайпоқ маҳсулотлари, бош-кийимлар, пойабзаллар, кийим-кечаклар бўйича ўтказилади.

Ярмаркалар республика Ассортиментлар ва модалар марказида ташкил этилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Д.Қўнаев кўчаси, 25-уй. Мўлжал — "Россия" меҳмонхонаси.
Маълумот учун телефонлар: 39-14-37, 39-14-39.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» учун масъул), Владимир ЧЕБОТИН (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»), Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»), Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир М. АҲМАД, навбатчи Э. ЭСИРГАДИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
•
Газета офсет усулида А—2 форматида 26.845 нусхада босилди
•
Ҳажми 2 босма табоқ
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
•
Г — 0627

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА